

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 1 июль, № 126 (6056) Сешанба


## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Наманган шаҳар телекоммуникация боғламаси телефон тармоқларида амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари натижасида автомат станциялар хорижнинг энг илғор технологияси билан алмаштирилди.*

## Телекўрсатувлар телефон тармоғи орқали намойиш этилади

Бу алоқа сифатини яхшилашдан ташқари мижозларга қатор қўшимча хизматлар тақдим этиш имкониятини ҳам яратди.

Хусусан, шаҳар аҳолисининг бир қисми хонадон телефони тармоғи орқали "IPTV" хизматига уланди. Улар телекўрсатувларни махсус қурилма ёрдамида рақамли сигналлар асосида томоша қилишаяпти. Бундай шароитда тасвир тиниқлиги таъминланибгина қолмасдан, 60 га яқин телеканалларни томоша қилиш мумкин. Алоқачилар, шунингдек, тураржой ва ишхоналар учун видеокузатув хизматини ҳам таклиф этишмоқда. Симли тармоқ орқали интердан фойдаланувчилар сони ҳам сезиларли даражада ортди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёш мутахассис биринчи маошини олди

*С. Тўраев яқинда ишга туширилган "Баҳор пласттекс" қўшма корхонасидан биринчи маошини олди.*

Турли ўлчамдаги пластик идишлар тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур корхонанинг ишга тушиши нафақат Суннатга ўхшаган ёш ишчилар, балки вилоятдаги бир қатор қайта ишлаш саноати жамоалари учун ҳам айни муддао бўлди. Негаки, кичик ўлчамдаги пластик идишларни шу пайтгача бошқа вилоятлардан сотиб олишга тўғри келарди. Янги корхона шарофати билан бу масаланинг ечими топилди. 12 нафар ишчи томонидан компьютер воситасида бошқарилаётган замонавий ускунада ҳар сменада 6 минг донадан зиёд бежирим пластик идиш тайёрланмоқда.

Ҳозир Бухоро вилоятида хорижий сармоядорлар иштирокидаги 70 дан зиёд корхоналар бўлиб, уларда 3 минг нафарга яқин киши меҳнат қилаётир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Шарқона мебелларга хориждан буюртма

*Яқинда Шўрчи туманидаги "Шўрчи мебель ишлаб чиқариш" корхонаси фаолияти кенгайиши ҳисобига ўн нафар коллеж битирувчиси ушбу жамоага ишга қабул қилинди.*

— Ҳозир 100 турдаги мебеллар тайёрлаяпмиз, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Менглимурод Нормуродов. — Маҳсулотларимиз сифати ва кўриниши билан турдош мебеллардан тубдан фарқ қилади. Хусусан, махсус дастгоҳлар ёрдамида мебель жиҳозларига шарқона нақшлар солинмоқда. Натижада нафақат маҳаллий буюртмачилар, балки хорижлик ҳамкорларимизга ҳам мебелларимиз манзур бўлаётир. Ҳозир эса хитойлик мижозларимиз буюртмаси устида ишлаяпмиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қувноқ шаҳарча болажонлар ихтиёрида

*Сирдарё соҳилидаги сўлим шаҳар — Бекобод аҳолиси Соғлом бола йилининг яна бир туҳфасини қабул қилиб олди.*

Шаҳарнинг 14-даҳасида "Ўзметкомбинат" ОАЖ ҳомийлигида янги мактабгача таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. "Қувноқ шаҳарча" номли бу муассасада 330 нафар кичкинтой таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Шинам ётоқхона, мусиқа, спорт зали ва майдонча, кутубхона, ўқув-услубият ва тиббий муолажа хоналари болажонлар хизматида. Ҳомийлар бир йўла замонавий ўқитиш анжомлари, кўнгилочар жиҳоз ва ўйинчоқлар ҳам тортиқ қилишди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг тутган йўли асосли ва адолатлидир»

Барселонада "Марказий Осиёдаги трансчегара сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларининг ҳал этилиши юзасидан Ўзбекистоннинг ёндашуви" мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикасининг Испаниядаги элчихонаси томонидан "Casa Asia" Испания Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалар институти кўмагида ташкил этилди.

Давра суҳбатида Испания олий ўқув юртларининг олим ва талабалари, илмий текшириш институтлари экспертлари ҳамда сув муаммолари бўйича мутахассислар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мазкур тадбир унинг иштирокчиларига Орол денгизи ҳавзасидаги бугунги сув-экология аҳволини ҳамда минтақадаги мамлакатлар манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида трансчегара сув манбаларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масалалари ҳал этилиши йўлларини муҳокама қилиш имконини берди.

Давра суҳбатининг испаниялик қатнашчилари Ўзбекистоннинг минтақада сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги қатъий ёндашувлари, республикада сув инфратузилмасини модернизациялаш ва такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда Орол бўйида экологик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни соғломлаштириш соҳасидаги дастурлар билан танишдилар.

Улар Марказий Осиёдаги трансчегара дарёлари сув манбаларининг тақсимланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар минтақада жойлашган ҳамма мамлакатларнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сув конвенцияларида муҳрлаб қўйилган асосий тамойил ва меъёрларга таянган ҳолда ҳал этилиши лозим, деган якдил фикрни билдиришди.

(Давоми 2-бетда).

*Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига сафари чоғида яқиндагина қуриб битказилган кўркам сув спорти саройимизга ташрифи, кўзида ишонч барқ уриб турган жажжи иқтидор эгалари билан суҳбатлари ҳаммамизнинг кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди.*




## Юксак ишонч, улкан эътибор

### ёшларимизни янги марраларни забт этишга илҳомлантирмоқда

Маълумки, эртанги кунга ишонч ва умид билан қараётган авлоднинг эзгу орзуси она-Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб камолга етишдан иборат. Зеро, амалга оширилаётган барча олижаноб саъй-ҳаракатларнинг моҳиятида ёшларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш мақсади мужассам. Болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Хусусан, Фарғона вилоятида ҳам ушбу йўналишда асрларга татигулик ишлар бажарилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан шаҳар ва туманларда 120 та спорт иншооти бунёд этилди ҳамда уларнинг барчаси замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Бунинг самараси ўлароқ, бугун вилоятда олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ёшларнинг 48 фоизи спорт ва жисмоний соғломлаштириш машғулотларига жалб этилган. Мавжуд 41 болалар ва ўсмирлар спорт мактабида эса минглаб ўғил-қизлар спортнинг 20 дан ортиқ турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

Президентимиз сув спорти саройига кириб келганида ёш спортчилар кўзларида чақнаган нурдан, тўғриси, ҳамма бирдек тўлқинланди.

(Давоми 2-бетда).

# Ислоҳот, изланиш, интилиш

### тўқимачилик корхоналарининг барқарор ривожида муҳим аҳамият касб этаяпти

МОДЕРНИЗАЦИЯ



Юртимизда яратилган қулай инвестиция муҳити ва кенг имкониятлар туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори енгил саноат ҳам жадал ривожланмоқда. Жойларда замонавий корхоналар ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилаяпти. Натижада маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми, тўқимачилик ва тикувчилик йўналишларининг экспортдаги улуши тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, Оқолтин туманидаги МЧЖ шаклидаги "Сардоба текстиль" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган кийим-кечакларнинг салкам 95 фоизи хорижликлар томонидан харид қилинаётгани бунга яққол мисолдир. Ушбу корхонанинг фаолият бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Шу қисқа фурсат ичида бу ерда ишлаб чиқарилган 200 минг АҚШ долларилик маҳсулот четга сотилгани, айниқса, қувонарлидир.

Корхонада тикилаётган кийим-кечаклар, асосан, мижоз буюртмаси ва у танлаган дизайн асосида тайёрланади. Бу жамоага қийинчилик туғдирмайди. Зеро, улар учун бу ерда барча қулайлик яратилган. Пировардида илғор технология ва уни мукаммал ўзлаштирган чеварларнинг саъй-ҳаракати билан маҳсулот сифати харидор талабига мос бўлиши таъминланаётир.

Дарвоқе, корхонада чеварларнинг малакасини замон талабларига қараб ошириб бориш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Айниқса, бу борада ёшларга катта эътибор қаратилаётганлигини эътироф этиш зарур. Бинобарин, буни корхонанинг "Ташаббус — 2014" кўрик-танловининг вилоят босқичида ёшларга энг кўп иш ўрни яратиш номинацияси бўйича ғолиб бўлганлиги ҳам тасдиқлайди.

— Жорий йилда кийим-кечак учун матолар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик, — дейди қўшма корхона директори ўринбосари Д. Пирмуҳаммедов. — Натижада сарф-харажатлар сезиларли даражада қисқариб, маҳсулотимиз таннархи арзонлашди. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ниятида ҳаракат қилаяпмиз. Ушбу режамиз амалга ошгач, яна ўнлаб янги иш ўринлари ташкил этилади.

(Давоми 2-бетда).

САНА

*Бугун Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалага киритилганига 20 йил тўлди.*

*Гарчи ўтган фурсат миллий валюта тарихида унчалик катта давр бўлмаса-да, аммо дунёдаги ҳеч бир валютанинг номи бизнинг сўмимиздек қадимий эмас.*

## Миллий иқтисодиётимиз тимсоли

Гап шундаки, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, сўм ҳақидаги илк маълумотлар X-XI асрларга бориб тақалади. Буюк Ипак йўлида савдо ривожланган ўрта асрларда, айниқса, Амир Темур даврида у халқаро аҳамият касб этган.

Узоқ муддат давомида муомалада бўлмагани туфайли унут бўлаёзган бу калом истиқлол шарофати билан қадр-қимматини топди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 16 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, у 1994 йилнинг 1 июлидан муомалага киритилди. Мамлакатимиз ҳудудида чекланмаган ва ягона қонуний тўлов воситаси сифатида ишлатила бошланди.

Фақат миллий валюта кучли бўлган тақдирдагина иқтисодиёт мустаҳкам бўлади, деган эди давлатимиз раҳбари. Шу боис иқтисодий мустақиллигимиз рамзи бўлган сўмнинг барқарорлигини таъминлаш, тўлов қобилиятини ошириш мақсадида қатъий пул-кредит сиёсати юритилиб, инфляция паст даражада сақланмоқда. Натижада пулимиз барқарор валюталардан бири сифатида юртимиз иқтисодий тараққиёти, турмушимиз фаровонлигини таъминлаётир.

Дарҳақиқат, бугун республикамизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари орқали тобора чирой очиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини кўрганда, йирик ишлаб чиқариш объектлари, замонавий саноат корхоналари фойдаланишга топширилишининг гувоҳи бўлганда, қалбимиз ғурурга тўлади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш каби иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидаги туб ўзгаришлар минг-минглаб янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт салоҳиятимизни оширишдек муҳим мақсад-муддаоларимиз рўёбига хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Шу йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми**

**23 фоиз ўсди.**

Ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизмат турларининг жорий этилиши ва янада ривожлантирилиши, АТСни рақамлаштириш даражасининг оширилиши, мобиль ва интернет алоқаси хизматларидан фойдаланаётган абонентлар сонининг кўпайиши туфайли соҳада ана шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.






## ТЎКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ — ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26-27 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

# Юксак ишонч, улкан эътибор

## ёшларимизни янги марраларни забт этишга илҳомлантирмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, эндигина 10-12 ёшга қадам қўйган, спортнинг сирли оламига тетапоя бўлиб кириб келаётган иқтидор эгалари давлатимиз раҳбарига энг катта орзулари — келгусида олимпиада мусобақаларида иштирок этиш, юртимиз байроғини баланд кўтариш эканлигини ёниб, чақмоқдай чақнаб айтганларида ким тўлқинланмади, дейсиз. Р. Олимова, М. Мавлонқулова, М. Сайфуддинова каби қизларимиз эса Юртбошимиз “Сизларга яна қандай имкониятлар яратиб берсам, юксак марраларни эгаллайсиз?” деганларида, шу яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитлар дунёнинг бирон-бир давлатида йўқ, оталарча бошимизни силасангиз, олимпиада чўққиларини, албатта, эгаллаймиз, деб жавоб беришди.

Юртбошимиз билан мен ҳам дилдан суҳбатлашдим. Суҳбат асносида у кишининг сузиш спортини мукаммал билиши, соҳа қоидаларининг чуқур билимдони эканлиги мени, айниқса, ҳайратга солди. Мавриди билан мазкур сув спорт саройида бир вақтнинг ўзида 170 нафар спортчи шуғулланиши учун барча имконият мавжудлиги ҳақида гапириб бердим. Бу ерда узунлиги 50, эни 21 метр бўлган саккизта сув йўлагида Жаҳон ҳамда Осиё миқёсидаги мусобақаларни бемалол ўтказса бўлади. Чунки бу ҳавза сув спорти бўйича ўтказиладиган мусобақаларга қўйиладиган барча талаб ҳамда стандартларга тўла мос келади. Шу ўринда ушбу спорт билан шуғулланувчилар учун сув ҳавзаси аҳамияти жуда катта эканлигини айтиш зарур. Гап шундаки, спортчи тор ҳавзада шуғулланиб, сўнг юқори даражадаги ҳавзада сузса, натижа яхши бўлмаслиги мумкин. Шу маънода олганда, сув спорт саройимиз ҳар жиҳатдан мукаммал.

Ҳақиқатан ҳам, Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи, шунингдек, мажмуамизга келиши бизни, шу жумладан, ёш спортчиларимизни янги марра ва чўққиларни эгаллашга илҳомлантирди, десак, айни ҳақиқатдир.

**Омонжон КОМИЛОВ,**
**Ўзбекистон сузиш федерацияси Фарғона вилояти бўлими раҳбари, Олий тоифали спорт ўқитувчиси, сузиш бўйича Ўзбекистон спорт устаси.**

# «Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг тутган йўли асосли ва адолатлидир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилганидек, Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида янги йирик гидро электрстанциялари қурилиши бўйича бир томонлама лойиҳаларнинг амалга оширилишига йўл қўйиб бўлмайди, чунки улар сув-экология ҳолатини кескинлаштиради ҳамда Орол денгизи ҳавзасидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ёмонлаштиради.

**Барселона университети профессори Т. Молин** фикрича, Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг тутган йўли асосли ва адолатлидир.

— Менга минтақада сув хавфсизлигини таъминлаш юзасидан мамлакатингизнинг ёндашуви жуда мақбулдир, — деди у. — Негаки Ўзбекистон нуқтаи назари Орол денгизи ҳавзасида истиқомат қиладиган халқлар манфаатларидан келиб чиқади. “Роғун” гидро электрстанциясининг қурилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар атроф-муҳит ва ҳудудда истиқомат қилувчи халқлар ҳаёт тарзига қай даражада таъсир кўрсатиши тўғрисидаги фикрлар асосли бўлгани боис жиддий хавотир уйғотади. Бизнинг ишончимиз комилки, сув муаммолари, энг аввало, минтақа мамлакатларининг ўзлари томонидан ҳал қилиниши лозим.

Сув муаммолари бўйича испаниялик таниқли эксперт, Қироллик Фанлар академиясининг аъзоси, профессор **Рамон Лйамос** Орол денгизи муаммоси ва собиқ иттифоқ даврида Амударё ҳамда Сирдарё сувларидан нотўғри фойдаланилиши натижасида унинг қуриб бораётгани тафсилотлари билан яхши таниш эканлигини таъкидлади.

— Орол денгизининг қуриб бораётгани олим сифатида мени хавотирга солади, — деди у. — Мен Ўзбекистоннинг Орол фожиаси глобал экологик инқироз эканлиги тўғрисидаги фикрига қўшиламан. Оролбўйидаги экология вазиятини яхшилаш бўйича Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўрилаётган чора-тадбирларни ҳам қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистоннинг ерларни суғоришда изчил равишда замонавий усулларни қўллаётгани, хусусан, унинг сув ресурслари бошқарилишига ёндашуви ижобий қадам ҳисобланади.

Тадбир чоғида йирик гидро электрстанцияларини эксплуатация қилишнинг атроф-муҳитга ҳамда трансчегара сув ҳавзалари бўйида жойлашган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салбий таъсирларини ўрганишга бағишланган энг сўнгги илмий тадқиқотлар натижалари ҳам муҳокама қилинди. Испания экспертлари томонидан қайд этилганидек, мазкур тадқиқотларнинг хулосалари атроф-муҳитга ҳалокатли таъсири ҳамда иқтисодий жиҳатдан норентабеллиги ҳисобга олинадиган бўлса, йирик сув иншоотлари қурилишининг мақсадга мувофиқлиги жиддий шубҳа остида эканлиги маълум бўлади.

Шу муносабат билан, испаниялик олимлар трансчегара дарёлари бўйида экологияга жиддий зарар етказмайдиган ҳамда давлатлараро баҳсларни келтириб чиқармайдиган ўртача ва кичик гидро электрстанциялари қурилишининг тарафдори эканликларини маълум қилишди.

**«Жаҳон» АА.**
Мадрид

# Қулай ва самарали тизим

## электрон тижорат амалиётларини амалга оширишнинг замонавий ва илғор воситасидир

*Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб, мазкур тизимдан фойдаланувчилар сони ҳам, улар орқали кўрсатилаётган хизматлар кўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Энг муҳими, бундай хизматлар одамлар оғирини енгил, узоғини яқин қилиш баробарида, ҳар томонлама қулайлиги ва тежамкорлиги билан алоҳида ажралиб туради.*

БИЗНЕС-ФОРУМ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ташкил этилган “АКТ соҳасида “NFC” технологияларини ривожлантириш” мавзуидаги ўзбек — француз бизнес-форумида ҳам айнан шулар хусусида сўз юритилмоқда. Унда Франциянинг “Sofrecom” ва “AESMA” компаниялари ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари, мобиль алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар, транспорт ҳамда чакана савдо соҳаси мутахассислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этаётир.

Шу ўринда ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун “NFC” технологияси ҳақида батафсилроқ маълумот бериб ўтсак. “NFC” (Near Fied Communication) — симсиз коммуникация технологияси бўлиб, у қисқа масофаларда радиочастоталар ёрдамида ўзаро маълумот алмашиш имконини берувчи тизим ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, ушбу тизимга уланган терминалга телефонни яқинлаштирган ҳолда, тўловларни амалга ошириш мумкин. “NFC” чипи худди қўл телефонидаги “Bluetooth”га ўхшаса-да, анча хавфсиздир. Борди-ю, телефон йўқолгудек бўлса, унинг пароли фақат ўша телефон соҳибигагина маълумлиги боис бегона киши фойдалана олмайди. Бундан ташқари, унда худди пластик карточкалардаги сингари блокировка қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тизим дунёнинг бир неча давлатларида ахборот-коммуникация технологияларига бағишлаб ўтказилган халқаро кўргазмаларда соҳа мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлган. Айни пайтда “American Express”, “Visa”, “MasterCard” каби 130 дан ортиқ компаниялар мазкур технологияни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўраяптики, бу унинг тобора оммалашиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда ҳам янги тизимни ҳаётга татбиқ этиш, шу орқали аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан франциялик мутахассислар билан ҳамкорликда лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга кўра, ҳозирги кунда пойтахтимизда жамоат транспорти, йўналишли такси ва йирик савдо дўконларига “NFC” технологиясини жорий этиш ишлари мувофиқлаштирилмоқда. Кейинчалик бундай тизим республикамизнинг барча ҳудудида ҳам жорий қилинади.

Бизнес-форум шу йилнинг 4 июлигача давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Миллий иқтисодиётимиз тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Экспертлар эришилаётган бу ютуқларни беш тамойилга асосланган иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг “ўзбек модели”нинг юқори самарадорлиги туфайли миллий пул бирлиги барқарорлашиб, банк тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани билан изоҳлашмоқда.

Чиндан ҳам, юртимизда ислоҳотларнинг изчиллиги таъминланиб, босқичма-босқич амалга оширилаётгани боис бошқа соҳалар қаторида, молия-банк тизимида етарли ресурс базаси ва ишончли захира яратилди. Бинобарин, бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир.

Шу билан бирга, банк тизимининг ликвидлиги, хизматларидан фойдаланиш даражаси муттасил ошиб бораяпти. Бу, ўз навбатида, халқаро миқёсда юксак эътироф этилаётир. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган “барқарор” рейтинг даражасини олишга муваффақ бўлгани бунинг яққол далилидир.

Миллий валютамиз намуналари Халқаро валюта жамғармасининг Вашингтондаги бош қароргоҳида сақланади. Бу ердан жой олган жаҳоннинг юзлаб пул бирликлари орасида сўмимиз ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Таъбир жоиз бўлса, у ҳар бир юртдошимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Сўмимизни қўлга олар эканмиз, унга туширилган қадим Самарқанддаги Регистон майдони, Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Амир Темур мақбараси каби тарихий обидалар, Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, “Истиқлол” санъат саройи, Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали, Олий Мажлис биноси тасвирларига кўзимиз тушади. Ва беихтиёр ич-ичимиздан фахрланамиз, маънавий қувват оламиз. Чунки у мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, балки халқимиз маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятининг кўзгуси ҳамдир!

Давлат мустақиллигини белгилаб берадиган рамзлардан бири, бу — миллий валютадир. Шу маънода, бизнинг миллий пул бирлигимиз — сўм мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсда обрў-эътиборини юксалтириш, юртдошларимиз қалбида эса ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришда доимо муҳим восита бўлиб хизмат қилаверади.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

# Бурч ва масъулият

*Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини нафақат шу соҳа вакиллари, балки барчамиз катта қизиқиш ва мамнуният билан тингладик.*

*Унда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни муҳим экани алоҳида таъкидланиб, ўтган давр мобайнида миллий матбуотимизни замон талаблари даражасида равнақ топтириш йўлида амалга оширилган кўламли ишлар ва уларнинг самаралари алоҳида эътироф этилди.*

МУНОСАБАТ

Шунингдек, бугунги глобаллашув жараёнларида қалам аҳли олдида турган долзарб вазифалар хусусида фикр билдирилди. Бундан биз, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқариб олишимиз зарур.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон тарихан қисқа даврда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий соҳаларда, умуман, жамиятимизнинг турли жабҳаларида улкан ютуқларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятининг ҳурмат ва эътирофига сазовор бўлди. Ушбу жараёнда оммавий ахборот воситалари ҳам жадал ривожланиб бораётгани қувонарлидир. Хусусан, ОАВнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш, техник ва технологик модернизация қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, соҳа ходимлари меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилган улкан чора-тадбирлар газета-журналлар, теле ва радиоканаллар, умуман, медиа тармоқларининг халқимиз илмий-маърифий, маънавий-маданий савиясини юксалтириш йўлидаги изчил фаолияти мисолида яққол кўриниб турибди.

Бугунги кунда юртимизда 1400 га яқин оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз ўқувчисига, томошабинига эга бўлиб, аҳолимизнинг дунёқараши ва маънавий оламини бойитишга хизмат қилаяпти. Масалан, “Халқ сўзи” газетаси — номига муносиб нашр. У, энг аввало, янгиликлар хабарчиси, одамларни эзгуликка, аҳилликка, ижодкорликка, янгича фикрлашга ундовчи мулоқот майдонидир. Газета саҳифаларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорлар, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, даврнинг энг долзарб мафкуравий, ғоявий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий мавзулар билан биргаликда, дунё тараққиёти, ундаги геосиёсат ҳамда оламшумул янгиликлар, тушунарли, публицистик услубда қизиқарли, халқона тарзда берилади. Табиийки, бу турли касб эгалари бўлган муштарийларда янгича фикр уйғотади. Таниқли зиёлилар, етук мутахассислар, давлат ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари ушбу нашрда мазмунли, муаммоли мулоқотлар асосида чиқишлар қилиб, халқимиз тафаккурини кенгайтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга беқиёс ҳисса қўшмоқда.

Иш юзасидан жойларда бўлганимизда, муштарийларнинг даврий нашрлар, хусусан, “Халқ сўзи” газетаси тўғрисидаги фикрларидан одамларнинг янгиликлар, давлат сиёсатига, ислоҳотларга бефарқ эмаслигини англаймиз. Улар газетада бериб борилаётган “Абадият гулшани”, “Юзма-юз”, “Кўнгил хиёбони”, “Онажоним — табиат”, “Водийларни яёв кезганда” каби саҳифалар ҳақида тўлқинланиб баҳс-мунозара қилганликларига, ўзларининг самимий муносабатларини билдирганликларига кўп бор гувоҳ бўлганман. Бундай жиҳатлар, албатта, диққатга сазовор.

Миллий матбуотимиз ютуқлари ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин. Лекин турли ғоя ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бугунги замон улар зиммасига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Президентимиз табригида бу ҳақда, жумладан, шундай дейилади: “Ҳозирги вақтда ён-атрофимизда ўзини оқламаган ва умрини ўтаб бўлган эски тизим ва мафкураларни қўмсашга бўлган уринишлар тобора тарқалиб ва кучайиб бораётган бир пайтда бундай кучларнинг қармоғига тушиб қолмаслик учун ахборот соҳасида етти ўлчаб бир кесиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни иродаси мустаҳкам, иймони бақувват инсонлар этиб тарбиялашда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти тобора ортиб бормоқда ва бу ўта муҳим вазифани адо этишда биз, аввало, сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Ёшларимизни айнан ана шу руҳда — миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтирадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, эртанги ҳаётимизнинг энг мустаҳкам пойдеворини қурган бўламиз”.

Бу фикрлар ҳар бир қалам аҳлидан, қолаверса, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонлардан ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуси билан яшашни, шу элнинг фидойи ва жонкуяр фуқароси сифатида унинг шаъни ва манфаатларини муносиб ҳимоя қилишни талаб этади. Бинобарин, жамият олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда қилинган меҳнат, ҳеч қачон бесамар кетмайди.

**Тангир САТТАРОВ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази Самарқанд шаҳар бўлими раҳбари.**

## 2014 ЙИЛ – СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Пойтахтимизда “SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида амалга ошириб келинаётган “Менинг қадрим бор! Мустақил ҳаётга қадам!” лойиҳаси якунларига бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди.*

# ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, “Sen yolg`iz emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Анжуманда “SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси директори Гулноза Обидова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлашди. 2010 йилдан буён ҳаётга татбиқ этилаётган “Менинг қадрим бор! Мустақил ҳаётга қадам!” лойиҳасидан кўзланган мақсад имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларга тиббий-психологик, ҳуқуқий, ижтимоий кўмак кўрсатишдан иборат.

Анжуманда васийликдан чиқаётган ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг яхши таълим олиши ва ишга жойлашишида кўмаклашиш борасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикрлашилди.

**Д. КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ислоҳот, изланиш, интилиш

## тўқимачилик корхоналарининг барқарор ривожида муҳим аҳамият касб этаяпти



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш жоизки, кейинги йилларда Сирдарё вилоятида “Сардоба текстиль” каби илғор технологияли кўплаб корхоналар пайдо бўлди. Масалан, Янгиер шаҳридаги “Омадтекс” масъулияти чекланган жамияти шу йил кўкламда иш бошлади. Бу ерда ойига 120 мингтагача трикотаж буюмлари тайёрланишидан билиш мумкинки, корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари анча юқори. Эътиборлиси, бу лойиҳанинг биринчи босқичида 150 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, жорий йилда Бахт шаҳридаги “Бектекс”, Боёвутдаги “Орзутекс” корхоналарида ҳам кўплаб янги иш ўринлари ташкил қилиниб, тўла қувват билан маҳсулот тайёрлашга киришилди. “Gulistan coks biznes” корхонасида эса вилоятда илк бор замонавий технологиялар асосида пайпоқ тўқиш йўлга қўйилди.

Шуларга мос ҳолда аввалдан ишлаб турган енгил саноат субъектларида ҳам технологик янгилаш жараёнлари жадал олиб борилмоқда. Натижада экспортбоп маҳсулот тайёрлаш ҳажми янада ошиши таъминланаётир. Янгиер шаҳридаги “Мосянтекс”, Гулистон шаҳридаги “Мили Гулистон текстиль” сингари корхоналарда рўёбга чиқарилган модернизация лойиҳалари бунга мисолдир. Муҳими, соҳадаги изчил ислоҳотлар, интилиш ва изланишлар боис вилоятнинг турли ҳудудларида, хусусан, қишлоқларида ҳам саноат изчил ривожланмоқда, ишлаб чиқариш тармоқлари кенгаймоқда. Саноатнинг қишлоққа жадал кириб бориши эса манзилларимиз обод ҳамда турмушимиз янада фаровон бўлишида айни муддаодир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.



Навоий: Вилоят марказидаги “Гидростанкосервис” корхонасида машинасозлик ва металлургия саноати корхоналари учун 200 дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Ёнилғисиз ҳаракатланадиган дунёдаги илк самолёт дастлабки парвозини амалга оширди.*

# Ёнилғисиз учадиган самолёт



"Евроньюс" телеканали хабарида айтилишича, "Airbus E-Fan" деб номланувчи мазкур мўъжаз лайнер электр энергияси ёрдамида ҳавога кўтарилган. У Парижга 23 километр яқин масофадаги Туссу-ле-Нобль шаҳри тепасида учган.

"Airbus" электросамолёти икки кишига мўлжалланган бўлиб, унинг узунлиги 6,7, қанотлари эса 9,5 метрга тенг. Унда бир соат парвоз қилиш учун атиги 2 евро сарфлаш кифоя.

# Ёмғир бинони қулатди

*Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида қурилаётган 12 қаватли бинонинг қулаши натижасида тўққиз киши ҳаётдан кўз юмди, йигирмага яқин киши жароҳатланди.*



Қурбонлар сони яна ортиши мумкин. Чунки вайроналар остида юздан зиёд одам қолиб кетган, деб тахмин қилинаяпти. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабарига кўра, тасодиф туфайли бир аёл тирик ҳолда топилган.

Фожиа ўтган шанба куни ҳудудда ёққан кучли ёмғир натижасида келиб чиққан. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар воқеа юзасидан жиноий иш қўзғади. Полиция бино қурилишига масъул бўлган икки компания раҳбарини қўлга олди.

Ченнайдаги ҳодисадан бир неча соат аввал Янги-Деҳлида ҳам уч қаватли уйнинг ағдарилиши 10 кишининг умрига завол бўлганди.

# Ўзига хос янги бренд

*Ахборот-коммуникация технологиялари бозорида етакчи саналган "Microsoft" компанияси ўз маҳсулотларини "Nokia" бренди остида чиқариш юзасидан келишув олиб бормоқда.*




Мазкур шартнома муваффақиятли амалга ошса, АҚШ ишлаб чиқарувчиси ўз планшетларини "Nokia by Microsoft" номи билан харидорларга тақдим этади.

Янги ном "Microsoft"нинг "Surface" ва "Lumia" планшетларига қўйилади. Мутасаддилар ушбу келишув компания маҳсулотлари савдосининг юришишига хизмат қилишидан умидвор.

# Энг паст кўрсаткич қайд этилди

*Май ойи якунлари бўйича Японияда ишсизлик даражаси сўнгги 16 йил ичидаги энг паст кўрсаткич — 3,5 фоизга тушди.*




Бунда мамлакат ҳукумати ва Япония банкининг бандликни таъминлашдаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этди. Ўтган йилнинг январь — март ойларида "Кунчиқар юрт" ялпи ички маҳсулоти 6 фоиздан кўпроқ ўсган. Шунинг натижасида маҳаллий компаниялар янги ходимлар олишни бошлаган. Қолаверса, жорий йилнинг апрель ойидан савдо солиғининг жорий этилиши маблағ тушуми ортишини таъминлаган. Буларнинг барчаси иқтисодиётнинг умумий кўрсаткичлари яхшиланишига хизмат қилаяпти.

# Шифокорлар тавсиясига зид хулоса

*Мева ва сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилиш соғлиқ учун фойдали, аммо у инсоннинг озишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.*



Бу борада тадқиқот ўтказган Алабама университети (АҚШ) олимлари шундай хулосага келишди. Мазкур илмий иш "American Journal of Clinical Nutrition" журналида чоп этилди.

Шу пайтгача аксарият диетологлар мева ва сабзавотларни икки маҳал ейиш озиш учун энг мақбул йўл, дейишарди. Олимлар ана шу маслаҳат асосида 1200 кишида синов олиб боришди. Уларнинг вазн кўрсаткичлари маълум вақт мобайнида кузатиб борилди. Аммо якунда ҳеч қандай ҳолат аниқланмаганини билдиришди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

NBU

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

**2014 йил 8, 10, 15 ва 17 июль кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукционга таклиф этади.**

**Очиқ аукционга қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги «Ўзмиллийбанк»нинг 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Манзили | Асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «KINDER FRUITS» масъулияти чекланган жамияти | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй | Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш | 16 450 897 500,0 | 7 269 733,26 |
| 2. | «FARG'ONA KIMYO ZAVODI» масъулияти чекланган жамияти | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй | Пахта целлюлозаси ва техник этил спирти ишлаб чиқариш | 59 142 493 600,0 | 28 997 104,14 |
| 3. | «NAMANGAN QOG'OZI» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй | Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш | 3 970 500 000,0 | 1 802 969,76 |
| 4. | «ASIA SOKATO» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Минерал сув, мевали жем ва сабзавотли консервалар ишлаб чиқариш | 1 463 700 000,0 | 717 640,71 |
| 5. | «NUKUS AGRO» масъулияти чекланган жамияти | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аули | Томат пастасини ишлаб чиқариш | 1 785 453 700,0 | 853 018,82 |
| 6. | «ASAKA MAK» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т. Алиева кўчаси, 5-уй | Макарон ишлаб чиқариш | 3 546 012 000,0 | 1 610 213,42 |
| 7. | «VODIY MUZQAYMOG'I» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй | Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 1 064 409 000,0 | 521 871,45 |
| 8. | «OQ SAROY TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 44-уй | Калава ип ва мато ишлаб чиқариш | 54 385 350 518,0 | 24 695 917,95 |
| 9. | «KOSONSOY TO'QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истамбул кўчаси | Трикотаж ипи, жунли ва яримжунли матолар, адёллар ишлаб чиқариш | 24 500 000 000,0 | 11 125 238,40 |
| 10. | «ROYAL SILK» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Табиий ипак ишлаб чиқариш | 5 051 423 000,0 | 2 232 248,90 |
| 11. | «CHINOZ TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти | Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчаси, 100-уй | Калава ип ва мато ишлаб чиқариш | 35 517 582 000,0 | 16 500 542,16 |
| 12. | «NAM TEX» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-«Б» уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 787 016 789,82 | 4 898 291,16 |
| 13. | «NAMANGAN TO'QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-микрорайон, Тўқимачилар кўчаси | Калава ип ишлаб чиқариш | 62 941 505 000,0 | 28 228 561,11 |
| 14. | «ANDIJON CHARM» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи | Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6 003 004 740,0 | 2 943 226,49 |
| 15. | «SOGDIANA PIPEPLAST» масъулияти чекланган жамияти | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш | 3 145 245 000,0 | 1 542 089,14 |
| 16. | «GAZALKENT STONE» масъулияти чекланган жамияти | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Завод кўчаси, 1-уй | Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш | 5 790 000 000,0 | 2 838 791,92 |
| 17. | «XUMO TO'QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шоҳкўчаси, 2-уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 454 271 000,0 | 4 747 194,17 |

**Очиқ аукцион шартлари:**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qog'ozi» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Chinoz Textile» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖ бўйича 7 йилдан, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖ, «Xumo To'qimachi» МЧЖ бўйича 1 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар томонидан аукционга қўйилаётган муддати «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qog'ozi» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Chinoz Textile» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳоларининг 5 фоизи миқдорида, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида ҳамда «Xumo To'qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдоридаги закалат пулларини «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган санадан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали)да бўлиб ўтади.**

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (8-371) 234-43-31.

**Аукцион ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49, Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Хизматлар лицензияланган

986R/305

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2014 йил 4 апрелдаги 21-1307/7618-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бахмал» МЧЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳкўчаси, 151-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 122,31 кв.м., фойдаланиш майдони 228,70 кв.м. бўлган 2 хонадан иборат савдо марказининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 330 000 000 сўм.***

**2.** Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳкўчаси, 151-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 393,06 кв.м., фойдаланиш майдони 365,87 кв.м. бўлган 2 хонадан иборат савдо марказининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 570 000 000 сўм.***

**3.** Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳкўчаси, 151-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 70,58 кв.м., фойдаланиш майдони 137,64 кв.м. бўлган 2 хонадан иборат савдо марказининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.***

**4.** Навоий шаҳри, Спутник қўрғонида жойлашган, умумий ер майдони 3596,12 кв.м., фойдаланиш майдони 625,69 кв.м. бўлган 28 хонадан иборат 3000 тонналик совутқич (маъмурий) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм.***

**5.** Навоий шаҳри, Тинчлик қўрғонида жойлашган, умумий ер майдони 2481,41 кв.м., фойдаланиш майдони 2257,53 кв.м. бўлган 17 хонадан иборат мебель ишлаб чиқариш корхонаси биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 500 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ФИБ Кармана туманлараро судининг 2013 йил 30 октябрдаги 1158-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бахмал» МЧЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳкўчаси, 151-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 39,83 кв.м., фойдаланиш майдони 28,32 кв.м. бўлган 3 хонадан иборат савдо марказининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 73 000 000 сўм.***

**2.** Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳкўчаси, 151-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 35,0 кв.м., фойдаланиш майдони 31,20 кв.м. бўлган 1 хонадан иборат савдо марказининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 67 000 000 сўм.***

**3.** Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳкўчаси, 151-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 262,17 кв.м., фойдаланиш майдони 517,58 кв.м. бўлган 2 хонадан иборат савдо марказининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 475 000 000 сўм.***

**4.** «Кармана Ихтиёр Бахтиёр» МЧЖга тегишли, Кармана тумани, «Янги ариқ» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 10000,0 кв.м., умумий майдони 8714,03 кв.м. бўлган иссиқхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 580 000 000 сўм.***

**5.** Кармана тумани, «Янги ариқ» ҚФЙ, «Талқоқ» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1600,0 кв.м., қурилиш майдони 184,60 кв.м., фойдаланиш майдони 243,60 кв.м. бўлган тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2014 йил 18 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 16 июль куни соат 18.00.

**III.** Аукцион савдосига Зарафшон шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2014 йил 16 апрелдаги 21-1306/956-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Техно Стар Зарафшон» ХКга тегишли, Зарафшон шаҳри, 12-микрорайон ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 385,1 кв.м., қурилиш ости майдони 339,6 кв.м. бўлган минимаркет биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 409 845 899 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 31 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 29 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Навоий вилояти бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефон: (8-436) 224-44-01. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

985R/1453

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси мулкий мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 043 791 382 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган , майдони бир гектар бўлган иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 910 781 557 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 17 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 15 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХОАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-371) 221-58-70. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

990R/1453


Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Иқтисодий таҳлил ва аудит кафедраси профессори Зайнидин Маматовга волидаи муҳтарамаси

**Тўпол ая САФАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Yoshlar" телерадиоканали" ЁАЖ жамоаси Жиззах вилояти бўйича телеоператори Бахтиёр Ниязовга волидаи муҳтарамаси

**Басбуви ая НИЯЗОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Трастбанк" ХОАББ жамоаси банк Ғазначилик департаменти директори ўринбосари Бахтиёр Худояровга падари бузруквори

**ИШМЎМИН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Андижон вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Андижон туманлараро судининг 2012 йил 23 августдаги 1-3010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Гоголь кўчаси, 17-уйда жойлашган, қурилиш майдони 388,1 кв.м. бўлган 2 қаватдан иборат 22 хонали автосалон ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 254 409 901 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 7 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 5 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар ОАТ «Савдогар» банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 105- хона. Телефон: (8-374) 228-47-62. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

984R/1453




Нидерландия: Амстердамдаги "De Industrieele Groote Club" саноат клубида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.

# Қадимий нафис безаклар

акс этган миллий гиламларимиз юртимиз меҳмонларининг эътиборини тортмоқда

*...Нигора болалигидаёқ устози Сарвиноз Раҳматовадан гилам тўқиш сирларини ўрганди. Отаси Бахтиёр ака бешиксоз уста бўлгани боис қизининг ҳунарга бўлган иштиёқини қўллаб-қувватлади. Бу орада Нигора Бухоро санъат коллежида ўқиб, халқ амалий санъати сирларини ўрганди. Айни пайтда у якка тартибдаги тадбиркор Гавҳар Саидованинг Бухоро шаҳри марказида жойлашган гиламдўзлик цехида ишлаяпти.*

ҚАДРИЯТ

— Бу ҳунар кишидан сабр-тоқат, қунт, ҳафсала ва билим талаб этади, — дейди у. — Тасаввур ҳосил қилишингиз учун бир далилни келтираман: узунлиги икки метр, эни 1,30 метр бўлган ипак гиламни тўқиш учун бир киши 7-8 ой вақт сарфлайди. Лекин яхлит ҳолга келгач, ундаги жозиба, нақшлар жилосини кўриб, завқ оласиз, чарчоғингиз бир зумда унутилади.

Дарҳақиқат, ипак гиламларнинг жилоси ўзгача. Уларда она-табиатнинг бетакрор манзаралари акс этган. Тасвирларда инсон орзу-умидлари, интилишлари мужассам. Буни ипак гиламларнинг номланиши ҳам кўрсатиб турибди: "Ҳаёт дарахти", "Бахтиёр гул", "Қиз гилам". Дарвоқе, қадимда бўлажак келин сепи учун ўз қўли билан гилам тўқиган. Уни "Қиз гилам" деб аташган. Бу оила учун энг ардоқли буюм сифатида асраб-авайланган.



Мутахассислар фикрича, тўқилган гиламларда қанча кўп тугун бўлса, шунча яхши. Масалан, бундан 100-120 йил муқаддам гиламларнинг ҳар квадрат сантиметрида 80-100 тагача тугун бўлган. Тугунки, ҳунарманд санъатини шундай акс эттиради. Бу ҳам маҳсулот сифатини белгилайдиган омиллардан биридир.

— Мустақиллик шарофати билан халқ амалий санъатининг ана шундай унутилаёзган турларини қайта тиклаш имконияти туғилди, — дейди ҳунарманд Г. Саидова. — Эмин-эркин ишлашимиз учун шарт-шароитлар яратилди. Солиқ ва бошқа тўловлар борасида имтиёзларга эгамиз. Мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларда ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда маҳсулотларимиз билан қатнашаяпмиз. Бевосита ўз фаолиятимга келсак, ҳозир цехимизда ўн нафар хотин-қиз гилам тўқиш ва каштачилик билан машғул. Ҳунар ўрганиш истагидаги қизлар учун эшигимиз ҳамиша очиқ...

— Цехимиз қадимий обидалар атрофида жойлашгани туфайли бу ерга хорижлик сайёҳлар тез-тез келиб туришади, — дея суҳбатга қўшилади Нигора Ҳасанова. — Ишимизни қизиқиб кузатишади. Ҳайратланишади. Ана шундай пайтларда гиламдўзликни танлаганимдан, шу ҳунар ортидан оиламизга наф келтираётганимдан хурсанд бўлиб кетаман.

Қувонарлиси, бугун Бухоронинг кўҳна карвонсарой ва мадрасалари, савдо тоқларию расталари бўйлаб юрсангиз, Нигора сингари ўнлаб ёшларнинг каштачилик, гиламдўзлик, зардўзлик, заргарлик сингари халқ амалий санъати турлари билан машғуллигини кўрасиз. Улар миллий ҳунармандчилигимиз довруғини дунёга ёйишмоқда. Бинобарин, неча минг йиллик анъаналарнинг муносиб давомчилари борлиги қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Муаллиф олган сурат.

ТАНЛОВ

*Пойтахтимизда "Юрт келажаги — 2014" республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.*

## Билим ва истеъдод кўриги

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ижодий лойиҳадан кўзланган мақсад истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Айтиш керакки, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, мустақил ҳамда янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда ва бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мазкур ижодий беллашув ҳам иқтидорли ўғил-қизларнинг эзгу орзулари рўёбида муҳим аҳамият касб этаётир.

Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган иштирокчилар архитектура ва дизайн, либослар дизайни, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт, журналистика йўналишлари бўйича ўз билим ҳамда маҳоратини намоён этдилар.

Қизғин ва қизиқарли кечган танловда 48 нафар иқтидор соҳиби республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ғолиблар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

САЛОМАТЛИК

Корея Республикаси Инха университети госпиталининг бир гуруҳ шифокорлари Кармана туманидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда олис ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди. Аниқланган хасталиклар юзасидан зарур муолажалар қўлланилди.

## Аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик самараси ўлароқ, аҳолига беминнат хизмат кўрсатаётганимдан мамнунман, — дейди кореялик болалар шифокори, профессор Ким Сун Ки. — Болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ҳар бир натижа эртанги кунга қўйилган қадам бўлади.

Аҳолига тиббий кўмак кўрсатиш жараёнида хорижликларга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Навоий вилояти ҳудудий филиалининг тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси шифокорлари ҳамкорлик қилишди. Муҳими, бу жараёнда аҳолига 58 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги дори-дармон бепул тарқатилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Биз буюк юрт фарзандларимиз!»

*"Биз буюк юрт фарзандларимиз!" фестивали доирасида Гулистон туманидаги иқтисодиёт коллежида ўтказилган "Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси" деб номланган тадбир мазкур таълим маскани ўқувчиси Нодира Маматқулованинг бир умр ёдида қоладиган бўлди. Боиси, у коллеж ўқитувчилари, ўқувчилари ва пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокидаги "Заковат" интеллектуал ўйинида ғолиб бўлди.*

ФЕСТИВАЛЬ

Сардоба тумани ёшлари эса фестиваль тадбирларини Гумбаз қишлоғидаги қадимий Сардоба обидасидан бошлашди. Улар бу ерда тарихий ёдгорликка ҳамоҳанг равишда миллий ўйинлар мусобақасини ташкил этишди.

Уч кун давом этган мазкур акцияда "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "Мустақиллик фарзандлари", "Сиз севган қаҳрамонлар" каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва концерт дастурлари ўтказилди. Айниқса, жорий йилги фестиваль дастурига киритилган "Депутат ва ёшлар", "Президент асарлари билимдони" лойиҳалари ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, ислоҳотларга дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, пойтахтдан келган бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар, кино ҳамда театр усталари, эстрада хонандалари, рассомлар, спортчилар иштирокидаги маънавий-маданий тадбирлар фестивалга ўзгача руҳ бағишлади. Эътиборлиси, тадбир вилоят ҳудудларини қамраб олди ва уларда 27 мингдан зиёд йигит-қиз фаол қатнашди.

— Бу йилги фестиваль ёшлар учун унутилмас воқеаларга бой бўлди, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгаши раиси Лазизбек Аҳмедов. — Хусусан, ёшларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий тарғибот лойиҳалари барчага манзур бўлди. Уларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш борасида амалга оширилган тадбирлар эса ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етказишга хизмат қилади, албатта.

Сирдарё вилояти бўйлаб ўтказилган фестивалнинг якунловчи қисми Гулистон шаҳридаги "Алпомиш" спорт саройида ўтказилди. Тадбирда бир неча номинациялар бўйича ғолиблар эълон қилинди ва уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 21 ИЮНДАН 27 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда ёнғин хавфсизлигига, тез тиббий ёрдам кўрсатишга, эвакуацияга ва ҳимоялаш бўйича муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозлашга қўйиладиган ягона талаблар ҳамда уларга риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2014 йил 17 июндаги 22, 7, 11, 4-сонли қарори.*

**2014 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2596 (2014 йил 30 июндан кучга кирди).**

2. «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар марказига таътиллар даврида ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 16 июндаги 40, 9-сонли қарори.*

**2014 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2597 (2014 йил 30 июндан кучга кирди).**

3. «Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2014 йил 4 июндаги 43, 72, 02-1/592-сонли қарори.*

**2014 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1672-1 (2014 йил 30 июндан кучга кирди).**

4. «Магистраль нефть маҳсулотлари қувурларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 6 июндаги 73-сонли буйруғи.*

**2014 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2598 (2014 йил 30 июндан кучга кирди).**

5. «Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2014 йил 13 июндаги 329-В-1, 44-сонли қарори.*

**2014 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-1 (2014 йил 30 июндан кучга кирди).**

6. «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2014 йил 18 июндаги 419-сонли буйруғи.*

**2014 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1869-2 (2014 йил 30 июндан кучга кирди).**

Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:

1. «Ўзбекистон Республикасидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига доимий яшаш учун кўчиб кетаётган пенсионерларга пенсия ишларини қўлига бериб юбориш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг 2010 йил 29 сентябрдаги 62-а-сонли буйруғи.*

**Ушбу ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳамда қонун ҳужжатларига зид ҳужжат сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.**


• ЭЪЛОН •

***Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига!***

**Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси**

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш бўйича**

**РЕТЕНДЕР (ТАНЛОВ) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ретендер (танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашиши мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Ретендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:**
Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси,
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,
Чўпонота кўчаси, 7-уй.
Телефонлар: (8-371) 250-40-56, 250-29-81.
Почта: tvssb1@inbox.uz akbar1109@inbox.uz

**Банк реквизитлари:**
Тошкент вилояти Ғазначилик бошқармаси
умумий ҳисоб рақами: 23402000300100001010,
Тошкент шаҳар Марказий банк бош бошқармаси
МФО: 00014, СТИР: 201122919,
ш/ҳ: 400121860272877950100054001
(гаров пулини ўтказишга шартномалар тузиш учун),
ш/ҳ: 100021860272877072130054001
(маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш учун),
СТИР: 200555593, ОКОНХ: 97400.

**Ретендер (танлов) предмети.**

Шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари, реактивлар, тиббий ашёлар ва сарфлаш материаллари, дезинфекцияловчи ҳамда антисептик воситалар, жами 43 турдаги дори-дармон воситалари, тиббий ашёлар ва реактивлар.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал баҳоси ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

**Етказиб бериш шартлари.**

Барча етказиб берувчилар учун: Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан белгиланган жойдаги омборларга тайёр маҳсулотлар етказиб беришлари шарт.

Етказиб бериш муддатлари тендер савдолари ва ретендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Ретендер (танлов) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Ретендер (танлов) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 63 600 000 сўмгача ташкил этади.

Ретендер (танлов) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ретендер (танлов) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — **2014 йил 31 июль соат 15.00 гача**.

Ретендер (танлов) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

992R/486


# Спорт

ШАХМАТ

*Тошкентда шахмат бўйича 12 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон вакиллари истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини яна бир карра исботлашди.*

## Навбатдаги муваффақият



Осиё шахмат федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур мусобақада 200 нафарга яқин ёш иқтидор эгаси ғолиблик учун баҳс олиб борди.

— Қитъа биринчилигида вакилларимиз муваффақиятли қатнашиб, 6 та олтин, 4 тадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди, — дейди Ўзбекистон шахмат федерацияси ижрочи директори Ольга Собирова. — Бу мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор, хусусан, шахматни оммалаштириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг самарасига ёрқин мисолдир.

Жумладан, жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов ўн ёшгача бўлган шахматчилар беллашувида рақибларидан устун келиб, ғолибликка эришди. Блиц турнирда эса у кумуш медаль билан тақдирланди.

Ўн икки ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида дона сурган Нодирбек Ёқуббоев рапид — тезкор шахмат баҳсларида етакчиликни ҳеч кимга бермаган бўлса, блиц ва классик шахматда иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгаллади. Унинг тенгдоши Шамсиддин Воҳидов блицда, қизлар ўртасида Дилбар Ҳамроева эса классик шахматда бронза медалини қўлга киритди.

Олти ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида Абдулбосит Шарифжонов ва Оқжол Раҳматуллаев ҳам қитъамизда тенгсиз эканликларини исботлашди. Улардан икки ёш катта бўлган ўғил-қизлар беллашувида яна бир ҳамюртимиз, шахматнинг рапид ва блиц йўналишида жаҳон чемпиони Исломбек Синдоров ўзига билдирилган ишончни оқлаб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Шунингдек, Султон Турсунов кумуш медаль билан тақдирланди. Унинг натижасини классик шахмат бўйича Олмоз Раҳматуллаев такрорлаган бўлса, қизлар ўртасида ўтган блиц партияларда Мафтуна Бобомуродова ҳеч кимга имконият қолдирмади. Омина Назарова рапид йўналишида кучли ўнликни якунлаб берди.

## Осиё чемпионати юқори савияда ўтди

*Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида самбо бўйича катталар, ёшлар, ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган қитъа чемпионати ҳам қизиқарли кечди.*

САМБО



Осиё самбо иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз самбо федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мусобақада йигирмага яқин давлатдан 350 нафардан зиёд полвон иштирок этди.

Чемпионатда ёшларимиздан Шерзод Тожиев, Жавлон Ҳамидов, Фазлиддин Холмаматов ва Элёр Ҳожиматов олтин, Тоҳир Асроров, Абдуҳамид Қўчқоров ҳамда Муҳаммадшоҳ Иброҳимов кумуш, Шаҳзод Нурматов ва Парвиз Ҳалимов бронза медали билан тақдирланди. Қизларимиздан Жаҳоной Туркманова, Нилуфар Раҳмонова, Валерия Суйкова ва Ирина Кулакова биринчи, тўрт нафари иккинчи, икки нафари эса учинчи бўлди.

Толмаз Тўқлиев, Аюбхон Камолов ва Санжар Неъматов жанговар самбода барча рақибларидан устун келишди. Бу йўналишда Раҳматжон Аҳмедов ва Илҳом Йўлдошев кумуш медалга сазовор бўлди. Фурқат Рўзиев, Аброр Яҳёев ва Олим Худойқулов бронза медалини қўлга киритди.

Ҳар иккала чемпионатда ёрқин натижалар кўрсатган терма жамоамиз аъзоларининг қай бири билан суҳбатлашманг, барчаси диёримизда спорт равнақи учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, давлатимиз, яқинлари, мураббийлари билдирган ишончга муносиб бўлиш, бу йўлда тинмай олға интилиш бош мақсади эканлигини эътироф этдилар.

Меҳмонлар эса — спортчилару мураббийлар, ҳакамлар, ташкилий қўмита аъзолари Осиё биринчиликлари юқори савияда, кўтаринки руҳда ташкил этилганидан ниҳоятда хурсанд бўлганларини яширмадилар.

**М. ҚОСИМЖОНОВ.**

WWW.XS.UZ

Наманган: Кураш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда 1995-1996 йилларда туғилган 600 нафарга яқин спортчи гиламга тушди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 064 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5